

УДК: 930.253

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИ

**Бахранов Шерзод Таштурсунович**

*Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги университети, тарих  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент, Ўзбекистон E-  
mail: Sherofkun82@mail.ru Тел. (97) 402-94-48*

**Аннотация:** В статье приводятся сведения о международном сотрудничестве Узбекской ССР со странами Европы, Восточной Азии в вопросах развития сельскохозяйственных культур. Эти страны были заинтересованы в сотрудничестве и обмене опытом по вопросам развития сельскохозяйственных культур, в частности хлопка, так как они были основными производителями и поставщиками белого золота в мире. Зарубежные страны систематически участвовали на конференциях, проводимых в Узбекской ССР, где обсуждались достижения в области исследования, развития и совершенствования производства белого золота. В статье доказано, что на развитие сельскохозяйственной науки в Узбекской ССР мешала коммунистическая идеология, которая имела сложные отношения с западным миром.

**Ключевые слова:** международное сотрудничество, Узбекская ССР, Европа, Восточная Азия, сельскохозяйственные культуры, страна, обмен опытом, развития, хлопок, зарубежные страны, исследования, коммунистическая идеология.

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон ССРнинг қишлоқ хўжалиги экинларини ривожлантиришда Европа ва Шарқий Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги тўғрисида маълумот берилган. Ушбу мамлакатлар дунёда оқ олтиннинг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, пахтани ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ва тажриба алмашишдан манфаатдор эдилар. Ўзбекистон ССРда ўтказилган конференцияларда хорижий давлатлар мунтазам равишда иштирок этиб, унда оқ олтин ишлаб чиқаришни тадқиқ этиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасидаги ютуқлар муҳокама қилинди. Мақола Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалиги фанининг ривожланишига Ғарб дунёси билан муносабатлари қийин бўлган коммунистик мафкура тўсқинлик қилганини исботлайди.

**Калит сўзлар:** халқаро ҳамкорлик, Ўзбекистон ССР, Европа, Шарқий Осиё, қишлоқ хўжалиги экинлари, мамлакат, тажриба алмашиш, ривожланиш, пахта, хорижий давлатлар, тадқиқот, коммунистик мафкура.

**КИРИШ**

СССРда мафкуравий жиҳатдан душман бўлган "буржуа фани"га қарши қўйиладиган "социалистик фан"нинг алоҳида тизимини қуришга интилиш натижасида 1930-йилларда совет олимларининг чет элга хизмат сафари, илмий конференцияларга, малака ошириш, амалиёт ўташ ва хоказоларга чиқиш имкониятлари чекланди. Бу тенденция 1940-йилларнинг охири ва 1950-йилларнинг бошларида космополитизмга қарши кураш пайтида энг юқори чўққисига чиқди, бу "фан ва техника соҳасидаги миллий устуворликлар учун кураш" билан бирга кечди.

Мавзуга оид адабиётларни таҳлили. Мақолани ёзишда, асосий манба сифатида совет давридаги А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланган материал ва бошқалар хизмат қилади. Даврий нашрлар асосида СИКП Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва илмий тадқиқотлар, институт соҳасидаги фаолияти бўйича қатор масалалар кўриб чиқилган. Институт фаолияти, соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи қатор ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган масалалар ва таклифларнинг ечимлари ёритилади.

Тадқиқот усуллари. Мавзунини ёритишда материалларини тизимли таҳлил қилишга асосланган, объективлик, тарихий изчиллик каби тарихий усуллар тўплами қўлланилади.

Тадқиқод натижалари. Урушдан кейинги даврда СССР қишлоқ хўжалиги вайронагарчилик, техника ва малакали кадрлар етишмаслиги билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келди. Ҳосилдорликни ошириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илмий ишланмаларни жорий этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Албатта, совет фанини ривожлантиришда бир қатор халқаро анжуманларда иштирок этиш, СССРнинг ўзида халқаро анжуманлар ташкил этиш жараёнлари бўлиб турди. Халқаро конференцияларни ўтказиш тўғрисидаги қарорлар энг юқори номенклатура даражасидаги имтиёз эди. Кўпинча бундай тадбирлар ортиқча деб ҳисобланарди, чунки совет фани ҳар қандай шубҳа, эътироз, бошқача фикр ёки танқидий баҳога чидай олмайдиган эталон ҳисобланишда давом этарди. Лекин, булар ҳам совет халқ хўжалигини ривожлантириш масалалари билан боғлиқ эди. Асосий пахтачилик ҳудуди бўлган Ўзбекистонда ўтказилган халқаро анжуманлар айнан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ эди. Бу борада маҳаллий олимларнинг иштироки ҳам сезилди. Халқаро ҳамкорлик алоқаларини олиб боришда ҳам маҳаллий олимлар иштирок бўлиб турди.

Масалан, 1957 йил Тошкентда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, СССР Фанлар Академияси, В.Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик фанлари академияси билан ҳамкорликда пахтачилик бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда

совет иттифоқидаги пахта етиштиридиган барча республикалар, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ – демократик Республикаси, Вьетнам демократик Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, югославия, Бирма Иттифоқи, Эрон ҳамда шу вақтда Совет Иттифоқида бўлган француз ва миср олимлари иштирок этди. Анжуманда пахтачиликни ривожлантириш борасида мамлакатда ва Ўзбекистон ССРда амалга оширилган “ютуқлар”, хусусан, пахта толаси, пахта навлари, ернинг мелиоратив ҳолати ҳақида маълумотлар берилди. Анжуманда, Ўзбекистон ССРда чорвачилик, боғдорчилик, узумчилик, ипакчиликни ҳам ривожлантириш имкони борлиги, пахта алмашлаб экишда албатта беда, маккажўхори, жўхори етиштириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.[1; с. 66.]. 1958 йилда, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий – тадқиқот институти деб номланган илмий марказ инглиз-ғарбий Германия, Франция, Швеция, Швеция, АҚШ, япония олимлари билан ҳамкорлик олиб борди, ФРГ (Германия Федератив республикаси) олимлари билан пахтачиликда кенг қўлланиладиган “Биттерфельд” кимё комбинатида ишлаб чиқарилган БИ – 58 препарати устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.[2; с. 10.]. Бироқ, бундай анжуманларда иштирок этганларнинг кўпчилиги хориж муаллифларининг асарларига шноскалар беришда чўчидилар. Бундай ҳолатлар “Ғарбга сажда қилиш”нинг бир кўриниши сифатида баҳоланди ва кўпчилик бундай ҳаволаларга мажбурий равишда танқид ва “буржуа фани”ни бир қолипда қоралашни илова қилишга мажбур бўлди. Хорижий журналларда ҳам мақолалар чоп этиш камайиб борди. Натижада, XX аср ўрталарида совет фани умумжаҳон жараёнидан тушиб қолиб, “ўз ёғига ўзи қовурила” бошлади. Ғарб фанининг кўплаб ютуқлари СССРда номаълум ёки кам маълум бўлиб қолди. Шу билан бирга, бу ҳолат Ғарб олимларининг совет илмий ғояларини ўғирлашига ҳам сабаб бўлди. Сталиндан кейинги даврда совет фанининг “қўғирчоқланиши” билан боғлиқ вазият фақат қисман тузатилди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Совет Иттифоқида инглиз тилидаги илмий адабиётнинг жаҳон миқёсида тан олинган устунлигига қарамай илмий мулоқотнинг ягона тили, аслида, рус тили ҳисобланди.

1971 йил Тошкентда Пахта (вилт муаммоси билан кўшганда) ва ўсимликларни зарақунандалардан ҳимоя қилиш бўйича Европа ва Ўртаерденгизи ташкилотларининг халқаро анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Франция, Швейцария, Нидерландия (Голландия) давлатларидан олимлар таклиф этилди. Анжуманда Ш.Ибрагимов, Н.Маннонов, Н.Мирпўлатов, Ф.Бобоевлар вилтга қарши тура оладиган пахта навлари бўйича маъруза қилдилар. Хорижлик меҳмонлардан Лё Гал, Г.Матисс каби хорижлик меҳмонлар ҳам маъруза қилиб, Ўзбекистондаги олимларнинг вилтга чидамли навлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари устидаги тадқиқотларини юқори баҳолаб ўтди. 1971 йил 1 январдан 1972 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги 21 давлатдан 237 нафар кишидан иборат 51 та

АҚШ, Франция каби давлатлардан ташриф буюрган делегациялар қабул қилинди. [3; с.52.]. 1973 йил апрель ойида гуруч, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини экишни тадқиқ этиш ва илмий натижалар билан танишиш ҳамда бу экинларни экишда агротехнология ишлари билан ташиши мақсадида инглиз олими К.М.Маккаули Тошкентга келди.[4; с.53.].

1974 йилда СоюзНИХИга тупроқ гидрологияси физикаси, унинг шўрланиши ва тупроқда газ алмашиши бўйича Вискон ва Колифорния университети профессорлари ташриф буюрдилар. Учрашувда проф. Нильсон ўзбек олимлари билан тупроқнинг шўрланиши ва тупроқда газ алмашиши бўйича тажриба алмашиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади. Проф. Гарднер бўлса бу ҳамкорлик СССР ва АҚШ давлатлари учун келажакда ҳамкорликни ривожлантириш ва натижаларга эришишда кўмаклашиши мумкинлигини таъкидлади.[5; с.55.].

1979 йилда Ўзбекистонда Р.Ф.Барнс, Х.Хеди, Л.Н.Пурди бошчилигида арид ва утли ерлар муаммолари билан шуғулланадиган делегация келди. Улар Нурота районидаги қорақўлчилик совхозларига ташриф буюрдилар. Улар АҚШнинг Невада, Техас штатлари Ўрта Осиё иқлими билан ўхшашлиги таъкидлаган ҳолда чорвачилик ҳудудлари, қора саксовул экиладиган ҳудудлар, қора саксовулнинг озучабоплиги билан танишдилар. Бу соҳада ҳам хорижлик меҳмонлар томонидан ҳамкорлик лозимлиги таъкидланди. [6; с.52.].

СоюзНИХИ олимлари Хитой Халқ Республикаси, Болгария илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик қилиб, бир-бирларига уруғлик етказиб бердилар. Мутахассисларни малакаси ошириш йўлга қўйилди.[7; с.18.]. 1979 йилда Ўзбекистон ССРда ФРГ, Япония, Австрия, Норвегия, Швеция, Голландия, Англия, Канада, Австралия каби давлатлардан келган делегациялар иштирокида XXI Халқаро ветеринария конгрессияси бўлиб ўтди. Делегация Самарқанддаги ўзбек ветеринар илмий – тадқиқот институти (УзНИИВИ) фаолияти ҳамда Жомбой район “Октябрь” колхозини билан танишдилар. Анжумандан сўнг меҳмонлар УзНИИВИнинг илмий – тадқиқот лабораториялари, амалга оширилган тадқиқот ишлари юқори даражада эканлигини таъкидлаб ўтдилар. [8;с.52.]. 1980 йил Тошкентда Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий – тадқиқот институтида қишлоқ хўжалик экинлари ва улардаги касалликларга қарши кураш масалалари бўйича Совет-Америка олимларининг симпозиуми бўлиб ўтди. Меҳмонлар институтнинг вилт бўлими ва ким-таксикологик лабораториялари иш фаолияти билан танишдилар.

[9; с.52.].

Хулоса. Қишлоқ хўжалиги экинларини, хусусан, пахтачиликни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар, Ўзбекистон ССР олимлари юқори ютуқларга эришдилар ва илмий тажриба алмашиш ва ривожлантириш соҳасида халқаро ҳамкорлик кўпроқ хорижий давлатлар учун зарур эди, чунки Ўзбекистон ССР олимлари юқори илмий тадқиқотлар ва юқори

натижаларга эришишда устунлик қилдилар. пахта ишлаб чиқариш соҳасидаги натижалар, аммо биз кўриб турганимиздек, кўп йиллар давомида олимларнинг ютуқларига Совет Иттифоқи ва Европа мамлакатлари олимлари ўртасидаги муносабатларда тўсиқ бўлган Совет мафкураси таъсир кўрсатди.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Объединенная научная сессия по хлопководству // Сельское хозяйство Узбекистана. 1957, - №9, - с. 66.
2. 1911-1991. Среднеазиатский ордена трудового красного знамени научно-исследовательский института защиты растений. – Ташкент. Меҳнат, 1991. – с.10.
3. О развитии международных связей сельскохозяйственной науки Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. 1985. -№2, - 52 с.
4. О развитии международных связей сельскохозяйственной науки Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. 1985. -№2, - 53 с.
5. О развитии международных связей сельскохозяйственной науки Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. 1985. -№2, - 55 с.
6. О развитии международных связей сельскохозяйственной науки Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. 1985. -№2, - 52 с.
7. Хусанов Р. Изланиш, натижа, истиқбол //Совет Ўзбекистони.1989.– 18с.
8. О развитии международных связей сельскохозяйственной науки Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. 1985. -№2, - 52 с.
9. О развитии международных связей сельскохозяйственной науки Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. 1985. -№2, - 52 с.